

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИНГ
ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХИ (ҚАДИМГИ ДАВРДАН 1959 ЙИЛГАЧА)**

Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

Амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилигида мавжуд бўлган кўплаб ҳуқуқий институтлар тарихан шаклланиб, вақт ўтгани сари сайқалланиб бормокда. Улар орасида ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш институти ҳам бордир.

Жиноят ишларини юритишда ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш институтининг тарихий илдизларини чуқур таҳлил қилмасдан туриб, унинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида аниқ бир тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин эмас. Чунки, маълум жиноят процессуал институтнинг ўтмишига саёҳат қилиш орқали бизда, уни тарихан ҳуқуқий тартибга солишда йўл қўйилган хатоларнинг сабабларини аниқлашга ва ҳар томонлама тадқиқ қилишга ҳамда замонавий шароитларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш чораларини кўришга имконият пайдо бўлади.

Инсон ҳаёти минг йиллар давомида турли хавф-хатарларга дуч келган, кадр-қиммати поймол этилган. Бунга жавобан табиий равишда одамларнинг тенглиги, уларни камситишлар, шафқатсизлик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳақидаги инсонпарварлик ғоялари юзага келиб, қарор топган¹.

Давлат органлари вужудга келгунига қадар барча халқлар бузилган ҳуқуқларини ўзини ўзи ҳимоя қилиш институти орқали тиклаганлар². Ўша даврдаги тартиб инсон ҳуқуқларининг илк эволюцияси бўлгани боис қатор камчиликларга эга бўлган. Бунга мисол сифатида шахс ўзини ҳимоя қилишда бажарадиган ҳаракатнинг энг юқори даражаси белгиланмаганлигини келтириш мумкин.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А. Х. Саидов. — Т., 2012. — Б. 18–19.

² *Топилдиев В.* Рим ҳуқуқи. — Т., 2013. — Б. 43.

Қадимги даврда — Турон, Ўрта асрларда — Мовароуннахр, кейинчалик — Туркистон деб аталган юртимиз худудларида жиноят ва жазо тизими милoddан аввалги VI–V асрларга қадар одат ҳуқуқи ҳамда зардуштийлик динининг асосий манбаи бўлмиш “Авесто” асосида тартибга солинган³. Қадимги зардуштийлар давлатида тартиб-интизом қаттиқ бўлганлиги сабабли жиноятлар кам содир этилган. Лекин бугунги қонунчилик бўйича инсон ҳуқуқларига тўғри келмайдиган бир қанча тартиблар мавжуд бўлган. Мисол учун, турмушга чиқиб, фарзанд кўришни истамаётган аёллар қопга солиниб, 50 қамчи калтакланган. Шунингдек, қасддан оила қурмай юриш ҳам жиноят ҳисобланган⁴.

Ҳимоя институти ривожланиб бориши билан аста-секин Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим каби антик давр империяларида адвокатлик касби вужудга кела бошлайди. У ерда фуқаролик жамияти тушунчаси вужудга келди ва халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ўрнига Қадимги Юнонистонда Солон, Қадимги Римда XII жадвал қонунлари пайдо бўлди. Қадимги Юнонистонда афиналик адвокатлар фуқароларни судда сўзга чиқишга тайёрлашган ёки судда улар билан бирга нутқ сўзлаган. Адвокатлар ўз ишлари учун пул эмас, балки мукофот олганлар. Ўша пайтда адвокат сифатида ишлаш обрўли ҳисобланган ва кўпчилик ҳатто император Цезарь ва Помпей ўз фаолиятини ушбу касбдан бошлаганлар. Адвокатлик билан шуғулланиш учун юридик мактабни тугатиш талаби қўйилган. Милодий 476 йил Ғарбий Рим империяси қулаганидан сўнг шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган — адвокатура ҳам узоқ яшамади⁵.

Мазкур империя ҳуқуқини ўрганар эканмиз, инсон ҳуқуқлари борасида бир қатор салбий ҳолатларни ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун, қул ўз эгасининг ихтиёридаги бир буюмдек бўлган. Унинг ҳуқуқини ҳеч ким ҳимоя қилмаган. Жангда енгилган гладиаторнинг ҳаёт-мамоти

³ Саудаҳмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. — Т., 2006. — Б. 74.

⁴ Икромов Р. “Авесто”да қонун ва инсон ҳуқуқлари талқини / Р. Икромов, Н. Бекмирзаев // Academic research in educational sciences. — 2021. — № 2. — Б. 9.

⁵ История адвокатуры // URL: <https://www.advokatbykov.ru/articles/history/> (мурожаат вақти: 27.06.2022).

томошабинларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлган, яъни уларнинг кўпчилиги ўнг қўл бош бармоғини тепага кўтарса — гладиатор тирик қолган, пастга қаратишса — томошабинлар кўз ўнгида ўлдирилган⁶.

Араблар истилосидан то XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида суд-тергов ишлари ислом ҳуқуқи нормаларини жамлаган меъёрлар бўлмиш шариат асосида олиб борилган. Ислом шариатининг асоси беш мақсад: инсоннинг дини, жони, моли, ақли ва насабини муҳофаза қилишдан келиб чиқади⁷.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор берилган. Ўзбек давлатчилигининг ҳуқуқий манбаи ҳисобланмиш “Темур тузуклари”ни юқорида келтирилган ҳужжатлар билан таққослаганда инсон, унинг қадр-қиммати, шаъни, эркинлиги ўша даврлардаёқ олий қадрият ҳисобланганлиги маълум бўлади⁸. “Темур тузуклари”да келтирилган қуйидаги сўзлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”⁹.

Янги даврда ҳам Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида суд тизими асосан ислом ҳуқуқига асосланган бўлиб, шариат кўрсатмалари биринчи ҳуқуқий манба ҳисобланган. Бу даврда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши даражаси кўпроқ давлатни бошқараётган ҳукмдорларга боғлиқ бўлган. Мисол учун, баъзи амирлар ёки хонлар даврида инсон ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор берилган бўлса, бошқалари даврида ҳуқуқий манбаларга риоя этилмаган, адолатсиз ҳукмлар чиқарилган¹⁰.

⁶ Сағдуллаев А.С. Тарих / А. С. Сағдуллаев, В. А. Костетский. — Т., 2017. — Б. 161.

⁷ Ботиров Б. Бурхониддин марғинонийнинг “ал-ҳидоя” асарида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмуни // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bur-oniddin-mar-inoniyning-al-idoya-asarida-shahsiy-u-u-va-erkinliklarning-mazmuni> <https://www.advokatbykov.ru/articles/history/> (мурожаат вақти: 25.06.2024).

⁸ Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. — Т., 2020.

⁹ Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. — Т., 2020. — Б. 54.

¹⁰ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 2003. — Б. 234, 235.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, унинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлари мазкур давлат мустамлакалари, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Мисол учун, 1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят-процессуал кодекси барча иттифоқдош республикаларга бирдек татбиқ этилган. Унинг қоидаларига мувофиқ тергов жараёнида, гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзлари амалга оширишлари мумкин эди. Акс ҳолда уни ҳеч ким амалга оширмасди. Уларга малакали ёки жамоат ҳимоячиси хизматидан фойдаланишга рухсат берилмаган, лекин жиноят-процессуал қонуни билан ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун жуда кенг ҳуқуқлар тақдим этилган. Мисол учун, дастлабки тергов жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга эди: кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок этиш, гувоҳлар ва экспертларга саволлар бериш (117-модда), гумон ва айбловнинг моҳияти бўйича тушунтиришлар бериш, сўроқ баённомасига қўшимчалар ва унга ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш, ўзи берган кўрсатмаларга ўз қўли билан ёзиб бериш (142-моддаси) сингари ҳуқуқлари шулар жумласидандир¹¹.

Ҳимоячи хизматидан фақат суд жараёнида фойдаланишга рухсат этилган¹². Лекин, бу ҳуқуқни ҳам тўла даражада амалга ошириш мушкул ҳол эди. Чунки, ана шу вақтлардаги қарашларда бир нечта судланувчининг бир нечта ҳимоячиси бўлган ҳолда судда ишларни юритиш терговни нормал олиб боришнинг имконсиз бўлишига олиб келади деган ғоя устунлик қилар эди.

Ишларни инқилобий трибуналларда кўриб чиқишда ҳимоя ҳуқуқи сезиларли даражада чекланган эди. Бундай трибуналларда айбловчи ва ҳимоячи иштирок этиши лозимлигини судья ишнинг аҳамияти, исботланиш даражаси ва алоҳида сиёсий ёки жамоат манфаатларида келиб чиқиб ҳал қилар эди (415-модда).

¹¹ Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1922 года // URL: https://nnov.hse.ru/ba/law/igpr/sov_gos/upk22 (мурожаат вақти: 27.06.2022).

¹² Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1922 года // Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства, издаваемое Народным комиссариатом юстиции. — М., 1922. — № 20–21. — С. 19.

1923 йилда РСФСРнинг янги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Мазкур кодекс қоидаларини 1922 йилги ЖПК қоидалари билан таққослайдиган бўлсак, ҳимоя ҳуқуқи аксар ўринларда яхшиланган, бошқа ҳолатларда эса ёмонлашганлигини кўриш мумкин. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни тўрттадан (1922 йилги РСФСР Жиноят-процессуал 59-модда), иккитагача қисқартирилганлигини (1923 йилги РСФСР Жиноят-процессуал 55-модда) ёмонлаштирувчи ҳолатга, терговчи айбланувчининг гувоҳлар ёки экспертларни сўроқ қилиш, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга қаратилган илтимосномаларини рад этиш мумкин эмаслик қоидаси киритилишини яхшиловчи ҳолатга мисол тариқасида келтиришимиз мумкин (1923 йилги РСФСР Жиноят-процессуал 112-модда)¹³.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган¹⁴. У Ўзбекистонда жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи дастлабки кодекс бўлиб¹⁵, унинг қоидалари РСФСРнинг аввалги Жиноят-процессуал кодекслари асосида ишлаб чиқилган¹⁶. Лекин, аксар қоидалари ундан фарқ қилган. Мисол учун, вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячи иштироки шарт бўлган ҳолат 1923 йилги РСФСР ЖПКда мавжуд бўлмай, 1926 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 53-моддасида ўз аксини топган¹⁷. Шунингдек, бугунги кунда шахс ҳуқуқларига салбий таъсир қилиши мумкин деб баҳоланувчи қуйидаги қоидалар ҳам мавжуд бўлган:

- зўравонлик, таҳдид ва ҳоказолар йўли билан далил олишни, шунингдек инсон кадр-қимматни камситувчи муомала қилишни тақиқловчи

¹³ Тоқунов А.В. Право подозреваемого, обвиняемого и подсудимого на защиту в советском уголовном процессе по УПК РСФСР 1922 и 1923 гг. юридические науки // Балтийский гуманитарный журнал. — 2017. — Т. 6. — № 1(8). — Б. 191.

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР (издание 3-е). — Самарканд, 1927.

¹⁵ Ражабов Б. Ретроспективный анализ положений, касающихся общих условий доказывания в уголовном процессе // Проблемы науки. — 2019. — № 4(137). — С. 49. <https://cyberleninka.ru/article/n/retrospektivnyy-analiz-polozheniy-kasayuschih-sya-obschih-usloviy-dokazyvaniya-v-ugolovnom-protseesse>

¹⁶ Чутбаев М.Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари. — Т., 2014. — Б. 34–35.

¹⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР — Самарканд, 1927.

қоида барча процессуал ҳаракатлар ўтказишда эмас, балки фақат сўроқ тергов ҳаракати ўтказилаётганда тақиқланган (134-модда);

- бешта эҳтиёт чораси мавжуд бўлиб, шуларнинг барчаси, жумладан қамоқ ҳам терговчи томонидан мустақил қўлланилган (142-модда). Бу эса инсонларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳурмат қилиш кафолатлари йўқлигини кўрсатади;

- тинтув тергов ҳаракатини ўтказишга терговчининг қарори етарли бўлган (173-модда);

- терговчи айблов хулосасини тузганидан сўнг уни ҳимоячи иштирокисиз айбланувчига ўқиб эшиттирган (205-модда).

Шу билан биргаликда айтиш керакки, 1926 йилги ЖПКда, бизнинг амалдаги ЖПКга татбиқ этса ҳимоя ҳуқуқига ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин бўлган бир нечта тартиблар мавжуддир. Шулардан бири, терговчининг ҳаракатлари устидан шикоят бериш деб номланган 18-боб қоидаларидир. Мазкур бобда, шахс шикоят бериш учун асос бўлган ҳолатни билганидан сўнг 7 кун ичида ёзма ва оғзаки шаклда бевосита терговчига ёхуд прокурорга шикоят бериши мумкинлиги белгиланган. Оғзаки шикоятни қабул қилган мансабдор шахс бу тўғрисида баённома расмийлаштирган ҳамда унинг тўғрилигини мурожаат қилган шахс ўз имзоси билан тасдиқлаган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шикоят қилган шахсга, унинг шикояти қабул қилинганлиги бўйича тилхат берилган. Агар, шикоят терговчига бериладиган бўлса, уни қабул қилган терговчи ўзининг тушунтириш хати билан 24 соат ичида прокурорга жўнатиши (215-модда), прокурор шикоятни олгандан сўнг уни 3 сутка ичида кўриб чиқиши лозим бўлган. Прокурорнинг шикоят бўйича қабул қилган қарори устидан шикоят берган шахс, терговчи юқори турувчи прокурорга мурожаат қилиниши мумкин бўлган. Мазкур қоидаларнинг бугунги кундаги аҳамияти шундаки, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик бўйича жиноий жараён иштирокчилари томонидан терговга қадар текширув, дастлабки тергов босқичида бериладиган шикоятларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг аниқ тартиби

белгиланмаганлигидир. Ўзбекистон Республикасида мурожаатларга доир асосий ҳуқуқий манба бўлмиш 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонунининг 1-моддасида кўрсатилган “ушбу қонун қоидалари жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди” жумласи сабабли мазкур масалани тартибга солмайди¹⁸. Ушбу салбий ҳолат тегишли мансабдор шахсга ҳимоя томондан берилган шикоятни ўзлари хоҳлаган вақтда кўриш ва унга жавоб қайтариш имконини туғдиради. Натижада мазкур омил шахснинг ҳуқуқларини бузилишига, унга нисбатан турли хил ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этилишга замин яратиши мумкин. Мисол учун, айбланувчи тезкор вакил ёки терговчи томонидан қўлланилган қийноқ бўйича прокурорга шикоят билан мурожаат қилди. Мазкур мурожаатни қабул қилган прокурор қонунчиликда аниқ тартиб белгиланмаганлиги сабабли, 3 кундан кейин унга эътибор қаратди. Мазкур муддат юқорида келтирилган мансабдор шахслар томонидан қўлланилган қийноқ бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади. Чунки, ўрганишлар давомида кўкариш излари ўртача икки ҳафта, махсус воситалар қўлланилганида эса бир кун ичида йўқолиши мумкинлиги аниқланди¹⁹.

Жиноят ишини юритиш жараёнини соддалаштириш ва шу орқали тергов процессини тезлаштириш истаги 1929 йилда қайта ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССР ЖПК қабул қилинишига олиб келди²⁰. Ўзбек процессуал олимларининг 1929 йилги ЖПК тизимига муносабати турличадир. Мисол учун, С. Бакировнинг фикрича 1929 йилги ЖПК ўзининг кичик ҳажмига қарамай, фан ва суд амалиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда бир қатор масалаларни янги усулда ҳал қилди. Далилларни аниқлаш, мажбурлов

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3336169> (мурожаат вақти: 02.09.2024).

¹⁹ Uyda Ko'karishdan Tezda Qutulish Yo'llari // URL: <https://uz.bornpottytrained.com/3199-ways-to-quickly-get-rid-of-a-bruise-at-home.html> (мурожаат вақти: 02.09.2022).

²⁰ [Ugolovno-processual'nyj kodeks Uzbekskoj SSR. \(1926\). Sobranie zakononij i rasporyazhenij rabochedekhkanskogo pravitel'stva Uzbekskoj Sovetskoj Socialisticheskoy Respubliki. Samarkand, № 11-12 \[in Russian\]. www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

чораларининг мақбул сони шулар жумласидандир²¹. Г. Абдумаджидов эса 1929 йилги ЖПК кенг тарқалган процессуал соддалаштириш ғояси таъсирида ишлаб чиқилганлиги сабабли, узоқ вақт давомида ҳал қилинмаган кўплаб хатоларга эга бўлганлигини таъкидлайди. Биз мазкур кодексга шахс ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашиб, унинг бир қатор ижобий ва салбий томонлари бор деган хулосага келдик.

Салбий томонлари:

1) почта-телеграф жўнатмаларини хатлашга прокурорнинг (33-модда), лавозимидан четлаштириш эса терговчи ёки прокурорнинг рухсати билан амалга оширилган (46-модда);

2) судда айбловни прокурор билан бирга терговчи ҳам қўллаши керак бўлган (86-модда);

3) суд тергови айблов хулосасининг моҳиятини ўқиб эшиттиришдан бошлаган. Агар судланувчи айбни бўйнига олса суд тергови ўтказилмаслиги мумкин бўлган. Бунда суд судланувчига охириги сўз берилган (113-модда). Мазкур тартиб амалдаги Конституциямизнинг 28-моддасида кўрсатилган “агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” қондасига маълум маънода зиддир²².

Ижобий томонлари:

1) шахсга айб қарори ўқиб эшиттирилгандан сўнг, унга айбланувчи эмас, балки тергов остидаги шахс (подследственный) деб мурожаат қилинган. Мазкур тартибни олимлар орасида қизгин мунозарага сабаб бўлаётган, ҳали судда айби исботланмаган шахсни айбланувчи деб аташ ноўринлиги тўғрисидаги фикрларнинг ечими сифатида келтириш мумкин (40-модда);

2) шахснинг прокурорнинг ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш

²¹ [Правовая регламентация деятельности органов предварительного расследования по УПК Узбекской ССР 1929 года // URL: https://otherreferats.allbest.ru/law/01371527_0.html](https://otherreferats.allbest.ru/law/01371527_0.html) (мурожаат вақти: 02.09.2024).

²² <https://lex.uz/docs/6445145>
www.tadqiqotlar.uz

ҳуқуқи илк бора кодекс даражасида мустаҳкамланган (52-модда);

3) терговчи тергов остидаги шахс ушланган ёки мажбурий келтирилгандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиши лозим бўлган. Агар сўроқни ушбу муддатда ўтказиш имкони бўлмаса, кечикиш сабаблари биринчи сўроқ баённомасида қайд этилиши керак эди (45-модда).

Мазкур қоида бугунги кунда амалдаги ЖПКнинг 50 ва 110-моддалари орасидаги коллизия ҳолатининг ечими бўлиши мумкин. Яъни, 50-модданинг учинчи қисмида “Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишга киришиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф қилишни тавсия этади” қоидаси мавжуддир. Бундан кўринадики, агар гумон қилинувчи муайян бир адвокатнинг ишда иштирок этишини хоҳласа, терговчи унинг адвокати келишини кўпи билан 24 соат кутади, бу вақт ичида гумон қилинувчини сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиб бўлмайди. Лекин амалдаги ЖПКнинг 110-моддасида гумон қилинувчи ушланганидан бошлаб 24 соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши лозимлиги белгиланган. Кўриб турганимиздек, суриштирувчи, терговчи ушланган гумон қилинувчини 24 соат ичида сўроқ қиладими ёки у кўрсатган ҳимоячини кутади, деган масалада номувофиклик мавжуд. Гумон қилинувчи ушланган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин 24 соатда сўроқ қилиш лозимлиги қоидаси нафақат ҳимоячини кутиш вазияти билан, балки гумон қилинувчининг тергов ҳаракатида иштирокини истисно этадиган касалга йўлиқиши, тергов жараёнидан қочиб кетиши сабабли ҳам амалга ошмай қолиши мумкин. Назаримизда, қонунчиликдаги мазкур ҳолатларга барҳам бериш учун 1929 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 45-моддасидаги *“агар сўроқни ушбу муддатда ўтказиш имкони бўлмаса, кечикиш сабаблари биринчи сўроқ баённомасида қайд этилади”* қоидасини амалдаги ЖПКнинг 110-моддаси биринчи қисмига охирига гап

сифатида киритиш лозим. Бунда, прокурор ҳамда келгусида жиноят ишини кўриб чиқаётган суд биринчи сўроқни кечиктириш сабабига алоҳида эътибор қаратиши ҳамда далилларнинг мақбул ёки мақбул эмаслигига баҳо бериши лозим. Чунки, С. М. Сахаддинов тўғри таъкидлаганидек: “Тумон қилинувчининг йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқи, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб, унинг асоссиз равишда узоқ муддат ҳуқуқлари чекланишининг олдини олади”²³.

Ўрганишлар бизга тарихда юртимиз ва хорижий давлатлар ҳудудида мавжуд бўлган ҳамда ҳозирги вақтда қўлланса, ижобий натижа берадиган тажрибалар мавжудлигини кўрсатди. Юқорида ҳам айтганимиздек, терговчи ҳаракатлари устидан шикоят бериш, кўриб чиқиш, ҳал этишнинг аниқ тартиби белгиланганлиги шулар жумласидандир. Биз мазкур ижобий тажрибаларни амалдаги қонунчилигимизга жорий этиш орқали нафақат шахс ҳуқуқларини таъминлашни такомиллаштиришга, балки халқнинг давлатга бўлган ишончини янада юксалтиришга эришамиз.

²³ Сахаддинов С.М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ). — Т.: Янги аср авлоди, 2014. — Б. 103–104.